

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

22 февраль 2018 й.г. № 137

Тошкент ш. – г. Ташкент

Бириклилган худудда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3413-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди:**

1. Бириклилган худудда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 22 февралдаги
137-сон қарорига
илова

**Бириктирилган худудда ички ишлар органларининг
хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши
курашиш бўйича фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ички ишлар органлари профилактика инспекторлари (катта инспекторлари) ва тезкор ходимларининг (катта тезкор ходимлари) (кейинги ўринларда профилактика инспекторлари ва тезкор ходимлар деб аталади) фаолиятини баҳолаш, шунингдек, уларга нисбатан бир марталик пул ушланиши ва мукофоти тарзидаги иқтисодий таъсир чораларини қўллаш тартибини белгилайди.

2. Фаолияти ҳар чорақдаги ишларини баҳолаш якунларига кўра қониқарсиз деб топилган профилактика инспекторлари ва тезкор ходимларга нисбатан таъсир чораси сифатида улар лавозим маошининг 50 фоизигача миқдорда бир марталик пул ушланиши қўлланади.

Бир марталик пул ушланиши интизомий жазо чораси ҳисобланмайди ва унинг қўлланниши интизомий жазо чорасини қўллаш билан боғлиқ оқибатларга олиб келмайди.

3. Фаолияти ҳар чорақдаги ишларини баҳолаш якунларига кўра самарали деб топилган профилактика инспекторлари ва тезкор ходимларга нисбатан лавозим маошининг 50 фоизигача миқдорида бир марталик пул мукофоти қўлланади.

Ушбу пул мукофоти рағбатлантириш чораси ҳисобланмайди ва ходимнинг амалдаги интизомий жазоси мавжудлигига қарамасдан қўлланади.

2-боб. Бир марталик пул ушланиши ва мукофотлашни қўллаш тартиби

4. Бир марталик пул ушланиши ва мукофотлашни қўллаш тўғрисидаги қарорлар Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига, вилоятлар ички ишлар бошқармаларида, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасида ташкил этиладиган бириктирилган худудда хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар органларининг фаолиятини баҳолаш бўйича маҳсус комиссия (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади.

5. Комиссия таркибига лавозими бўйича қуйидагилар киради:

раис - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринbosари – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари;

раис ўринbosарлари - Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг жиноий қидирав бошқармалари ва хуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари бошлиқлари;

комиссия аъзолари:

туман (шахар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари;

туман (шахар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари – хукуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари (бўлинмалари) бошлиқлари;

комиссия котиби – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Ташкилий-инспекторлик ва ахборот-таҳдил бошқармалари бошлиқлари.

6. Комиссия ҳисобот чорагидан кейинги ҳисобот чорагининг биринчи ойи 15 санасидан кечикмай, ҳар чоракдаги иш якунлари бўйича мажлислар ўтказади. Комиссия қарорлари раис томонидан тасдиқланадиган, комиссия аъзолари ва котиби томонидан имзоланадиган мажлислар баённомаларида акс эттирилади.

Комиссия мажлисларига тегишли худудда жойлашган давлат бошқа органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

Комиссиянинг иш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

7. Комиссия аъзолари ўз ваколатлари доирасида:

бириклирлган худудда профилактика инспекторлари ва тезкор ходимлар фаолиятининг ҳолатини ўрганиш учун ишчи гурӯхлар тузадилар;

таҳдил қилинаётган даврда бириклирлган худудда профилактика инспекторлари ва тезкор ходимлар фаолиятининг жорий кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва таҳдил қилишни таъминлайдилар;

жойларга борган ҳолда таҳдил қилинаётган чорак мобайнида эришилган аниқ натижаларни кўрсатган ҳолда, бириклирлган худудда профилактика инспекторлари ва тезкор ходимлар фаолияти тўғрисидаги ҳисботларни эшитадилар;

чорак якунлари бўйича бириклирлган худудда профилактика инспекторлари ва тезкор ходимлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолайдилар ва уларнинг ишини яхшилаш чораларини кўллайдилар.

8. Ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари ва тезкор ходимларига нисбатан бир марталик пул ушланиши ва мукофотлаш тарзидаги иқтисодий таъсир чораларини кўллаш ушбу Низомнинг 1-иловасидаги схема бўйича амалга оширилади.

9. Ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари ва тезкор ходимларидан бир марталик пул ушланиши ушбу Низомнинг 2-иловасида назарда тутилган мезонлардан келиб чиқсан ҳолда кўлланилади.

Тегишли профилактика инспектори ва тезкор ходими аввал интизомий жазога тортилганлигига асосланиб бир марталик пул ушланишини кўллашга йўл қўйилмайди.

10. Профилактика инспекторлари ва тезкор ходимларга бир марталик пул мукофотини тўлаш ушбу Низомнинг 3-иловасида назарда тутилган мезонлардан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

11. Профилактика инспекторлари ва тезкор ходимларга нисбатан ушбу Низомга мувофиқ бириктирилган худудда профилактика инспекторлари ва тезкор ходимлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш қуидаги ҳолатларда амалга оширилмайди:

профилактика инспектори ва тезкор ходим тегишли ҳудудга вактинча бириктирилганда ёки улар томонидан мажбуриятлари вактинча бажарилганда;

профилактика инспектори ва тезкор ходимни тегишли ҳудудга бириктириш даврининг давомийлиги ҳисобот чораги муддатидан ошмагандан;

тегишли ҳудудга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасаларини битириши билан ички ишлар органига хизматга қабул қилинган профилактика инспектори ва тезкор ходим бириктирилганда – фаолиятни мураббийлар раҳбарлигига амалга ошириш даврида.

12. Агар бир ҳудудга икки ва ундан ортиқ профилактика инспекторлари ва тезкор ходимлар бириктирилса, уларнинг фаолиятини баҳолаш ва бир марталик пул ушланиши ёки мукофотлаш уларнинг ҳар бирига нисбатан тенг даражада қўлланади. Профилактика инспекторлари ёки тезкор ходимлардан бири фаолиятини мураббий раҳбарлигига амалга ошираётган ҳолатлар бундан мустасно.

13. Бириктирилган худудда профилактика инспекторлари ва тезкор ходимлар фаолиятини баҳолаш дастлаб бир марталик пул ушланишини қўллаш мезонлари бўйича амалга оширилади.

Агар профилактика инспекторлари ва тезкор ходимлар фаолиятида бир марталик пул ушланишини қўллаш мезонларига мос келадиган кўрсаткичлар бўлмаса, бундай ҳолатда баҳо бериш комиссия томонидан бир марталик пул мукофотини қўллаш мезонлари бўйича амалга оширилади.

Профилактика инспекторлари ва тезкор ходимлар фаолиятида баҳолашнинг иккита мезонига мос келадиган кўрсаткичлар бўлмаса, уларга нисбатан бир марталик пул ушланиши ва мукофотлаш қўлланмайди.

14. Комиссиянинг ҳар чоракда баҳолаш якунлари бўйича бир марталик пул ушланиши ва мукофотларни қўллаш учун асос бўлиб ҳисобланадиган хulosалар тайёрланади.

15. Бир марталик пул ушланиши ва мукофотлаш миқдорлари асосланган бўлиши ва баҳолаш мезонларига тўғри келиши керак.

16. Профилактика инспектори ёки тезкор ходимга нисбатан кетма-кет тўргта чоракда пул ушланиши қўлланилган ҳолатларда унинг фаолияти комиссия ва ички ишлар органининг интизомий кенгашида муҳокама қилинади.

17. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринbosари – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг бир марталик пул ушланишларини ва мукофотларни қўллаш тўғрисидаги буйруқлари комиссиялар хulosалари асосида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 30-санасидан кеч бўлмаган муддатда қабул қилинади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

18. Профилактика инспекторлари ва тезкор ходимларга бир марталик пул мукофотларини тўлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

19. Профилактика инспекторлари ва тезкор ходимларга нисбатан бир марталик пул ушланиши ва мукофот тарзидағи иқтисодий таъсир чораларининг объектив ва тўғри кўлланиши учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринbosари –Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи, Қорақалпогистон Республикаси Ички ишлар вазири, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошликлари жавоб берадилар.

20. Пул маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан, қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

21. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Бириктирилган ҳудудда ички ишлар органларининг
хуқўқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка
қарши курашиш бўйича фаолиятини баҳолаш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

**Ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари ва тезкор ходимларига нисбатан
бир марталик пул ушланиши ва мукофоти тарзидаги иқтисодий таъсир чораларини қўллаш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлари
1-босқич	Қарақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар ИИБ ва Тошкент шаҳар ИИББ	Профилактика инспекторлари фаолиятини баҳолаш бўйича маҳсус комиссияларни ва тезкор ходимлар фаолиятини баҳолаш бўйича маҳсус комиссияларни (кейинги ўринларда маҳсус комиссиялар деб аталади) ташкил килиш.	ички ишлар органи раҳбариятининг қарори бўйича
2-босқич	Маҳсус комиссиялар	<ol style="list-style-type: none"> Таҳлил қилинаётган даврда профилактика инспекторлари ва тезкор ходимлар фаолиятининг жорий кўрсаткичларини ўрганиш учун ишли гурӯхлар тузиш. Таҳлил қилинаётган даврда бириктирилган ҳудудда профилактика инспекторлари ва тезкор ходимлар фаолиятининг жорий кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил килиш. 	маҳсус комиссиянинг биринчи мажлисида хар чорақда чорак давомида
3- босқич	Ишли гурӯхлар	<ol style="list-style-type: none"> Профилактика инспекторлари ва тезкор ходимлар фаолиятининг ҳолатини ўрганиш. Ўрганиш якунларини маҳсус комиссияларга тақдим этиш. 	чорак давомида
4- босқич	Маҳсус комиссиялар	<ol style="list-style-type: none"> Мажлислар ўтказиш ва чорак якунлари бўйича профилактика инспекторлари ва тезкор ходимлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш. Жойларга борган ҳолда профилактика инспекторлари ва тезкор ходимлар фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш. Профилактика инспекторлари ва тезкор ходимлар фаолиятини бир марталик пул ушланишини қўллаш мезонларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан баҳолаш. Бир марталик пул ушланишини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш. 	хар чорақда (ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-санасигача)
5- босқич	Маҳсус комиссиялар	<ol style="list-style-type: none"> Профилактика инспекторлари ва тезкор ходимлар фаолиятини бир марталик пул мукофотини қўллаш мезонларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан баҳолаш. Бир марталик пул мукофотларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш. 	хар чорақда (ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-санасигача)

Бириктирилган худудда ички ишлар
органларининг ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси ва жиноятчиликка қарши
курашиш бўйича фаолиятини баҳолаш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

**Бириктирилган худудда фаолиятини амалга оширувчи профилактика инспекторлари ва тезкор
ходимларга нисбатан бир марталик пул ушланиши тарзидан иқтисодий таъсир чораларини қўллаш
МЕЗОНЛАРИ**

T/р	Фаолиятни баҳолаш мезонлари	Кўрсаткичлар	Лавозим маошига нисбатан пул ушланиши микдорлари (фоизда)
Профилактика инспекторлари			
1	Бириктирилган худудда чорак давомида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддасида назарда тутилган жиноят содир этилган.	1 та жиноят	10 %
		2 та жиноят	20 %
		3 та ва ундан ортиқ жиноят	30 %
2	Бириктирилган худудда чорак давомида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноят содир этилган.	1 та жиноят	10 %
		2 та жиноят	15 %
		3 та ва ундан ортиқ жиноят	20 %
3	Бириктирилган худудда чорак давомида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 118-119-моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бири содир этилган.	1 та жиноят	10 %
		2 та жиноят	15 %
		3 та ва ундан ортиқ жиноят	20 %
4	Бириктирилган худудда чорак давомида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган жиноят содир этилган.	1 та жиноят	5 %
		2 та жиноят	10 %
		3 та ва ундан ортиқ жиноят	15 %

T/p	Фаолиятни баҳолаш мезонлари	Кўрсаткичлар	Лавозим маошига нисбатан пул ушланиши миқдорлари (фоизда)
5	Биритирилган худудда чорак давомида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164-моддасида назарда тутилган жиноят содир этилган.	1 та жиноят	5 %
		2 та жиноят	15 %
		3 та ва ундан ортиқ жиноят	25 %
6	Биритирилган худудда чорак давомида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 166-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган жиноят содир этилган.	1 та жиноят	5 %
		2 та жиноят	15 %
		3 та ва ундан ортиқ жиноят	25 %
7	Биритирилган худудда чорак давомида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган жиноят содир этилган.	2 та жиноят	5 %
		3 та жиноят	10 %
		4 та ва ундан ортиқ жиноят	15 %
8	Биритирилган худудда чорак давомида яшовчи шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155, 244 ¹ , 244 ² , 244 ³ -моддаларида назарда тутилган жиноятлардан бири содир этилган.	1 та жиноят	20 %
		2 та ва ундан ортиқ жиноят	30 %
9	Биритирилган худудда чорак давомида яшовчи вояга етмаган шахс томонидан оғир ёки ўта оғир жиноят содир этилган.	1 та жиноят	10 %
		2 та жиноят	15 %
		3 та ва ундан ортиқ жиноят	20 %
10	Чорак давомида ички ишлар органида профилактика ҳисобида турган ва биритирилган худудда яшаётган шахслар томонидан жиноят содир этилган.	1 тадан 2 тагача жиноят	5 %
		3 тадан 4 тагача жиноят	10 %
		5та ва ундан ортиқ жиноят	15 %
11	Жисмоний ва юридик шахслардан профилактика инспекторларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан келиб тушган тасдиқланган шикоятларнинг мавжудлиги.	1 дан 2 тагача	5 %
		3 ва ундан ортиқ	10 %

T/р	Фаолиятни баҳолаш мезонлари	Кўрсаткичлар	Лавозим маошига нисбатан пул ушланиши миқдорлари (фоизда)
12	Профилактика инспекторларининг ҳар ойлик ҳисоботлари якунлари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан олинган салбий фикрлар.	бир ой ичида	10 %
		2 ой ичида	15 %
		3 ой ичида	20 %
Тезкор ходимлар			
13	Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддасида назарда тутилган, бириклирган худудда содир этилган (чорак давомида) жиноят 30 календарь кун давомида очилмаган.	1 та жиноят	15 %
		2 та жиноят	20 %
		3 та ва ундан ортиқ жиноят	30 %
14	Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 104-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган, бириклирган худудда содир этилган (чорак давомида) жиноят 30 календарь кун давомида очилмаган.	1 та жиноят	15 %
		2 та жиноят	20 %
		3 та ва ундан ортиқ жиноят	30 %
15	Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 118-119-моддалари иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган, бириклирган худудда содир этилган (чорак давомида) жиноят 30 календарь кун давомида очилмаган.	1 та жиноят	15 %
		2 та жиноят	20 %
		3 та ва ундан ортиқ жиноят	25 %
16	Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164-моддасида назарда тутилган, бириклирган худудда содир этилган (чорак давомида) жиноят 30 календарь кун давомида очилмаган.	1 та жиноят	15 %
		2 та жиноят	20 %
		3 та ва ундан ортиқ жиноят	25 %
17	Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 166-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган, бириклирган худудда содир этилган (чорак давомида) жиноят 30 календарь кун давомида очилмаган.	1 та жиноят	15 %
		2 та жиноят	20 %
		3 та ва ундан ортиқ жиноят	25 %
18	Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган, бириклирган худудда содир этилган (чорак давомида) жиноят 30 календарь кун давомида очилмаган.	2 та жиноят	15 %
		3 та жиноят	20 %
		4 та ва ундан ортиқ жиноят	25 %

Изоҳ. Бир марталик пул ушланишининг энг кўп миқдори лавозим маошининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Бириктирилган худудда ички ишлар
органларининг ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси ва жиноятчиликка қарши
курашиш бўйича фаолиятини баҳолаш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**Бириктирилган худудда фаолиятини амалга оширувчи профилактика инспекторлари ва тезкор
ходимларга нисбатан бир марталик пул мукофоти тарзидан иқтисодий таъсир чораларини қўллаш
МЕЗОНЛАРИ**

T/p	Фаолиятни баҳолаш мезонлари	Лавозим маошига нисбатан пул мукофоти миқдорлари (фоизда)
Профилактика инспекторлари		
1	Бириктирилган худудда чорак давомида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97, 104-105, 118-119, 127-моддалларида назарда тутилган жиноятлар содир этилмаган.	15 %
2	Чорак давомида бириктирилган худудда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164, 166 ва 169-моддалларида назарда тутилган жиноятлар содир этилмаган.	10 %
3	Бириктирилган худудда чорак давомида ички ишлар органларининг профилактик ҳисобида турган ва бириктирилган худудда яшайдиган шахслар томонидан жиноятлар содир этилмаган.	10 %
4	Бириктирилган худудда чорак давомида яшайдиган вояга етмаган шахслар томонидан жиноятлар содир этилмаган.	5 %
5	Чорак давомида (профилактика инспекторининг ташаббуси билан) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 130, 130 ¹ , 131, 224, 226, 248, 250 ¹ , 270-274, 276-моддалларида назарда тутилган жиноятлар содир этилмаган.	5 % – ҳар бир аниқланган жиноят учун
6	Бириктирилган худудда чорак давомида (профилактика инспекторининг ташаббуси билан) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155, 244 ¹ , 244 ² , 244 ³ -моддалларида назарда тутилган жиноятлар содир этилмаган.	15 % – ҳар бир аниқланган жиноят учун

7	Бириқтирилган ҳудудда чорак давомида оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлиги учун қидирувда бўлган шахснинг турар жойи (профилактика инспекторининг ташаббуси билан) аниқланган.	10 % – ҳар бир ушланган шахс учун
8	Чорак давомида профилактика инспекторларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан жисмоний ва юридик шахслардан шикоятлар келиб тушмаган.	5 %

Тезкор ходимлар

9	Бириқтирилган ҳудудда чорак давомида содир этилган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97, 104 ва 118-моддаларида назарда тутилган барча жинояtlар очилган.	15 %
10	Бириқтирилган ҳудудда чорак давомида содир этилган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164-моддасида, 166 ва 169-моддаларининг икkinchi ва учинчи қисмларида назарда тутилган барча жинояtlар очилган.	10 %
11	Бириқтирилган ҳудудда чорак давомида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 270-274, 276-моддаларида назарда тутилган 2 ва ундан ортиқ жинояtlар (тезкор ходимнинг ташаббуси билан) аниқланган.	10 % – ҳар бир аниқланган иккита жиноят учун
12	Бириқтирилган ҳудудда чорак давомида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 248-моддасида назарда тутилган жиноят (тезкор ходимнинг ташаббуси билан) аниқланган.	10 % – ҳар бир аниқланган жиноят учун
13	Бириқтирилган ҳудудда чорак давомида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155, 244 ¹ , 244 ² , 244 ³ -моддаларида назарда тутилган жинояtlардан бири (тезкор ходимнинг ташаббуси билан) аниқланган.	15 % – ҳар бир аниқланган жиноят учун
14	Бириқтирилган ҳудудда чорак давомида оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлиги учун қидирувда бўлган шахс (тезкор ходимнинг ташаббуси билан) аниқланган ва ушланган.	10 % – ҳар бир ушланган шахс учун

Изоҳ. Бир марталик пул мукофотининг энг кўп миқдори лавозим маошининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.